

## **HIRPORHAE RHAMNOIDS L. (ELAEAGNACEAE) ЎСИМЛИГИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ**

**Р. Н. Рахимов**

ЎзРФА.Биоорганик кимё институти

**Ш. О. Кадирова**

Тошкент фармацевтика институти

**Б. О. Ёдгоров**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

**К. У. Комилов**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

**Н. Г. Абдулладжанова**

ЎзРФА.Биоорганик кимё институти

### **АННОТАЦИЯ**

Hirporhae rhamnoids L ўсимлигидан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олишнинг экстракция модули, экстракция такрорийлигига, эритувчи концентрациясига, экстракция ҳароратига, ўсимликнинг майдаланганлик даражасига боғлиқлиги ўрганилди. Олинган натижалардан шу нарса маълум бўлдики ушбу ўсимликлардан полифеноллар йиғиндисини ажратиб олишнинг энг мақбул усули сифатида ўсимликнинг майдаланганлик даражаси 5-7 мм, экстракция ҳарорати 45<sup>0</sup>С ҳароратда, 3 соат давомида, 1:8 нисбатда, 70% ацетонда, 3 мартаба такрорийликда экстракция қилиб, юқори унум ва сифатга эга бўлган полифеноллар йиғиндисини ажратиб олинди.

**Калит сўзлар:** фловонидлар, фенолокислоталар, таннинлар, полифеноллар, экстракция ҳарорати, майдаланганлик даражаси, такрорийлик